

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАЖАБОВ АЛИБЕК ХУШНУДБЕКОВИЧ**

**ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ШАРОИТИДА МИНТАҚАНИ БАРҚАРОР  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Ражабов Алибек Хушнудбекович**

Инновацион таракқиёт шароитида минтақани барқарор ижтимоий-  
иқтисодий ривожланишини прогнозлаш ..... 3

**Ражабов Алибек Хушнудбекович**

Прогнозирование устойчивого социально-экономического развития  
региона в условиях инновационного развития..... 31

**Rajabov Alibek Xushnudbekovich**

Forecasting sustainable socio-economic development of the region in the  
conditions of innovative development..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 61

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАЖАБОВ АЛИБЕК ХУШНУДБЕКОВИЧ**

**ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ШАРОИТИДА МИНТАҚАНИ БАРҚАРОР  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Iqt1889 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Досчанов Тангирберген Досчанович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бойхонов Баходир Турсунбоевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

**Рахимов Анвар Норимович**  
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори,  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.08.2020.I.55.03 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14-уй. Тел.: (998 62) 224-67-00; Факс: (998 62) 224-57-00; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14-уй. Тел.: (998 62) 224-67-00; Факс: (998 62) 224-57-00; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.С.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Т.Ж.Рахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD

**Б.Рузметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёни тобора кучайиб бориши ҳамда дунёнинг нобарқарорлиги, айниқса, “COVID-19” пандемиясининг кейинги тарқалиши билан боғлиқ муаммолар жаҳон иқтисодиётининг истиқболли ривожланишида ноаниқликлар сақланиб қолишига олиб келмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг прогнозларига кўра, “глобал иқтисодий ўсиш 2021 йилдаги 6,0 фоиздан 2022 йилда 3,2 фоизга, 2023 йилда эса 2,7 фоизгача секинлашиши кутилмоқда”<sup>1</sup>. Бу, ўз навбатида, аҳоли жон бошига даромадлар бўйича мамлакатлар ҳудудлари ўртасидаги тафовутни камайтириш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги номутаносибликларни бартараф этишга қаратилган самарали минтақавий сиёсат юритишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда инновацион тараққиёт шароитида мамлакатлар ва минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ва тенденцияларини аниқлаш, минтақаларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб, замонавий ёндашувлар асосида прогнозлашга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, минтақалар барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда ижтимоий, иқтисодий ва инновацион омилларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мазкур омилларнинг таъсирини баҳолаш ҳамда прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистон стратегияси, аввало, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилганини таъкидлаш лозим. Макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш мақсадлари ва таркибий ислохотлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, шунингдек, ташқи ва ички омиллар таъсирида юзага келадиган иқтисодий цикилларни бошқаришнинг замонавий прогнозлаштириш моделларига асосланган самарали тизими ва механизмларини жорий этиш жараёни янада кўпроқ эътиборни талаб қилмоқда. “Иқтисодиётни ривожлантириш учун вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш, уларни салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш зарур. Айни пайтда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини муайян мезонлар асосида баҳолашга даврий ва узлуксиз тус бермоғимиз даркор”<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам ҳудудлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини объектив баҳолаш ва прогнозлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади.

<sup>1</sup>International Monetary Fund (2022). *World Economic Outlook: Countering the Cost-of-Living Crisis*. Washington, DC. October. pp. 15-18. (<https://www.imf.org/-/media/Files/Publications/WEO/2022/October/English/text.ashx>)

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O’zbekiston”, 2021, 131-170 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон “2022 - 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 154-сон “2022 – 2026 йилларда Хоразм вилояти худудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 21 февралдаги 83-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 15 июлдаги 585-сон “Хоразм вилоятининг илмий-техник ва инновацион салоҳиятини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, қарорлари ва минтақаларни комплекс ривожлантиришга доир бошқа меъерий- ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги йилларда минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида катта эътибор қаратилган.

Бу соҳада хорижлик муаллифлардан А.Коккиноу, Г.М.Коррес, Э.Папанис, П.Джавримис, Г.Э.Мекуш<sup>3</sup> кабилар асарлари шулар жумласидан. Ушбу муаммолар йўналишида МДХ мамлакатларининг иқтисодчи олимларидан М.Исалова, Ю.Гаджиева, Х.Герейханова, С.Буттаева, И.Богданова, Д.А.Дурдыева, Л.В.Цомартова, А.В.Самаруха, С.В. Золотарев, С.Г.Светуных, И.С.Светуных<sup>4</sup> ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланганлигини қайд қилиш лозим.

<sup>3</sup> Kokkinou A., Korres G.M., Papanis E., Giavrimis P. (2013) Social Policy and Socio-economic Integration in Europe. In: Carayannis E., Korres G. (eds) European Socio-Economic Integration. Innovation, Technology, and Knowledge Management, vol 28. Springer, Boston, MA. pp.163-172. [https://doi.org/10.1007/978-1-4614-5254-6\\_11](https://doi.org/10.1007/978-1-4614-5254-6_11); Mekush G.E. (2012) Evaluating the Sustainable Development of a Region Using a System of Indicators. In: Sustainability Analysis. Palgrave Macmillan, London. pp. 300-326. [https://doi.org/10.1057/9780230362437\\_13](https://doi.org/10.1057/9780230362437_13)

<sup>4</sup> Isalova M., Gadzhieva U., Gereyhanova H., Buttaeva S., Bogdanova I. (2017) Problems of Sustainable Development of Depressive Region in Crisis. In: Popkova E.G., Sukhova V.E., Rogachev A.F., Tyurina Y.G., Boris O.A., Parakhina V.N. (eds) Integration and Clustering for Sustainable Economic Growth. Contributions to

Шу билан бирга, мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларида минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини айрим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш, ҳудудлар иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш ҳамда ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва прогнозлашнинг назарий-услубий жиҳатлари С.С.Гулямов, Б.Ю.Ходиев, Т.Ш.Шодиев, Б.Рузметов, Т.Д.Досчанов, Н.К.Аимбетов, И.С.Абдуллаев, А.М.Содиқов, Ю.Қ.Мухаммедов, Т.Ж.Рахимов<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқ ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация иши Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-87 “Ҳудудий иқтисодий тизим ривожланишини прогноз қилишда комплекс сонли моделларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Инновацион тараққиёт шароитида минтақани барқарор ижтимоий - иқтисодий ривожланишини баҳолаш ва прогнозлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

минтақанинг шаҳар ва туманлар кесимида барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашга асосланган композит индексни ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш;

---

Economics. Springer, Cham. pp. 451-460. [https://doi.org/10.1007/978-3-319-45462-7\\_44](https://doi.org/10.1007/978-3-319-45462-7_44); Дурдыева Д.А. Оценка потенциала устойчивого социально- экономического развития региона. Автореферат дисс.. канд.экон наук – Кисловодск, 2013. Цомартова Л.В. Формирование механизма устойчивого социально- экономического развития региона. Автореферат дисс.. канд.экон наук – Владикавказ, 2011. Самаруха А.В. Долгосрочное прогнозирование социально-экономического развития региона в условиях перехода на инновационную модель экономики. Автореферат дисс.. док.экон наук – Иркутск, 2010. Золотарев С.В. Оценка и прогнозирование устойчивого развития региона с использованием динамических нормативов. Автореферат дисс.. канд.экон наук – Курск, 2011. Svetunkov S. (2012) Modeling and Forecasting of Economic Dynamics by Complex-Valued Models. In: Complex-Valued Modeling in Economics and Finance. Springer, New York, NY. pp. 291-318. [https://doi.org/10.1007/978-1-4614-5876-0\\_9](https://doi.org/10.1007/978-1-4614-5876-0_9); Svetunkov I.S. (2011) Short-term forecasting of socio-economic processes with the use of model with correction. Bus Inf 1(5):109–112.

<sup>5</sup> Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. Монография. -Т.: Фан, 1980. -С. 194; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2000.-338 б.; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. ...док. экон. наук. Т. 1988. –380 с.; Рузметов Б.Р. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -Т.: 1998. - 39 с.; Досчанов Т.Д, Экономико-экологические основы производства и применения продукции химической промышленности в АПК. дисс. на. соис. докт. экон. наук. Т.: 1990. – 405 с.; Аимбетов Н.К. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): иқт. фан. док. дисс....автореф. -Т.: ТДИУ. 2000.-38 б.; Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. иқт.фан.док. автореф. – Т.: ТДИУ. 2017. – 22 б.; Содиқов А.М. Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари.: иқт.фан. док. дисс....авторефер. – Тошкент.: ТМУ. 2006. – 42 б.; Мухаммедов Ю.Қ. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари.: иқт.фан.док. ...дисс.автореф.-Т.: ТДИУ. 2006. -38 б.; Рахимов Т.Ж. Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришни эконометрик моделлаштириш.: Фалсафа доктори (PhD) илм. дар. олиш учун ёзилган дис. Автореф. – Урганч.: УрДУ. 2021 – 23 б.

минтақа шаҳар ва туманларини кластерларга (синфларга) ажратиш ва бу орқали уларни барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни узоқ ва қисқа муддатли таъсирини аниқлашнинг кўп омилли эконометрик моделларини ишлаб чиқиш;

минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланишини асосий кўрсаткичларини кўп вариантли эконометрик моделлар асосида истиқболдаги йиллар учун прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Хоразм вилоятини барқарор ижтимоий – иқтисодий ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб минтақанинг барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланишини баҳолаш ва прогнозлаш жараёнларида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда омилли таҳлил, дедукция, статистик тавсифлаш, корреляцион ва регрессион таҳлил, қиёсий таҳлил, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш каби усуллардан самарали фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

минтақа шаҳар ва туманларини “барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш” композит индексини “юқори (23,12% - 25,74%)”, “ўрта (21,62% - 22,46%)”, “паст (16,36% - 17,18%)” интерваллар ёрдамида баҳолаш таклиф этилган;

минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари асосида “Кластерли таҳлил (Cluster analysis)” бўйича ўхшашлик даражасини “Евклид метрикаси” ёрдамида (Урганч ш.), (Хива ш.), (Урганч, Боғот, Ҳазорасп, Шовот, Хонқа, Хива, Қўшкўпир), (Гурлан, Янгибозор, Янгиарик), (Тупроққалъа) кластерларига ажратиш таклиф қилинган;

минтақа аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти, аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, ишсизлик даражаси омилларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ ҳажмига қисқа муддатли (+1,21%; +2,3%; -1,15%) ва узоқ муддатли (+3,9%; +6,9%; -2,6%) устуворлик даражасини аниқлашни ARDL модели асосида ҳисоблаш таклиф қилинган;

минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланишини асосий кўрсаткичларининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

минтақа шаҳар ва туманларининг барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш ҳамда улар орасидаги тафовутларни аниқлашнинг такомиллаштирилган усули асослаб берилган;

минтақа шаҳар ва туманларини кластерларга (синфларга) ажратиш ва уларни барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш асослаб берилган;

минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни узоқ ва қисқа муддатли таъсирини ҳисоблаш ва бу орқали инновацион тараққиёт шароитида минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш учун аниқ чора-тадбирларни белгилаш имконияти яратилган;

минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболларини аниқлашнинг кўп вариантли эконометрик моделлар асосида ўрта муддатли даврга прогноз кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда қўлланилган ёндашув, хусусан, миқдорий усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси даврий ҳисоботларидан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган ва қўлланилган эконометрик моделлар ва статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш ҳамда унга таъсир этувчи омилларни узоқ ва қисқа муддатли таъсирини аниқлаш бўйича илмий аппаратни бойитиш ҳамда истиқболдаги стратегик вазифаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги статистик усуллар ва эконометрик моделлар, таклиф ва хулосалардан минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юртларида “Эконометрика асослари”, “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш”, “Статистика” каби фанларни ўқитиш жараёнида ва соҳага оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инновацион тараққиёт шароитида минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланишини прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

минтақа шаҳар ва туманларини “барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш” композит индексини “юқори (23,12% - 25,74%)”, “ўрта (21,62% - 22,46%)”, “паст (16,36% - 17,18%)” интерваллар ёрдамида баҳолаш бўйича берилган таклифи Хоразм вилоят ҳокимининг 2022 йил 12 апрелдаги “2022-2026 йилларда Хоразм вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 154-сон қарорининг ижроси ҳақидаги 158-12-0-Q/22-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 10-8119-сон маълумотномаси).

Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида минтақа шаҳар ва туманларининг барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш ҳамда улар орасидаги тафовутларни аниқлаш имконини берган;

минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари асосида “Кластерли таҳлил (Cluster analysis)” бўйича ўхшашлик даражасини “Евклид метрикаси” ёрдамида (Урганч ш.), (Хива ш.), (Урганч, Боғот, Ҳазорасп, Шовот, Хонқа, Хива, Қўшқўпир), (Гурлан, Янгибозор, Янгиариқ), (Тупроққалъа) кластерларига ажратиш бўйича берилган таклифи Хоразм вилоят ҳокимининг 2022 йил 12 апрелдаги “2022-2026 йилларда Хоразм вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 154-сон қарорининг ижроси ҳақидаги 158-12-0-Q/22-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 10-8119-сон маълумотномаси). Ушбу усулдан амалиётда фойдаланиш натижасида минтақа шаҳар ва туманларини кластерларга (синфларга) ажратиш ва уларни барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини берган;

минтақа аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти, аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, ишсизлик даражаси омилларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ ҳажмига қисқа муддатли (+1,21%; +2,3%; -1,15%) ва узоқ муддатли (+3,9%; +6,9%; -2,6%) устуворлик даражасини аниқлашни ARDL модели асосида ҳисоблаш таклифи Хоразм вилоят ҳокимининг 2022 йил 12 апрелдаги “2022-2026 йилларда Хоразм вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 154-сон қарорининг ижроси ҳақидаги 158-12-0-Q/22-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 10-8119-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни узоқ ва қисқа муддатли таъсирини ҳисоблаш ва бу орқали инновацион тараққиёт шароитида минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш учун аниқ чора-тадбирларни белгилаш имконини берган;

минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланишини асосий кўрсаткичларининг келгусидаги прогноз қийматларини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар Хоразм вилоят ҳокимининг 2022 йил 12 апрелдаги “2022-2026 йилларда Хоразм вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 154-сон қарорининг ижроси ҳақидаги 158-12-0-Q/22-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 10-8119-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижасини амалиётда қўллаш орқали минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ўрта муддатли даврга прогнозлашнинг қўшимча имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, (2 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 104 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Инновацион тараққиёт шароитида минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг назарий-услубий асослари”**, деб номланган биринчи бобида инновацион тараққиёт шароитида минтақаларнинг барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланишини баҳолаш ва прогнозлашнинг назарий асослари ҳамда услубий ёндашувлар, минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатга мўлжалланган прогнозлаш усуллари ўрганилган.

Маълумки бир ёки бир нечта киришни чиқишга айлантирадиган ҳаракатлар кетма-кетлиги жараёни ифодалайди. Барча иш фаолияти жараёнлар натижасида амалга оширилади. Шу аснода прогнозлаш ҳам бундан мустасно эмас. Прогнозлаш жараёнидаги ҳаракатлар кетма-кетлиги қуйидагилардан иборат (1-расм).



**1-расм. Прогнозлаш жараёнини амалга ошириш босқичлари<sup>6</sup>**

Илмий ҳамжамиятда, минтақалар барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашда ва уларнинг рейтингини аниқлашда турли хил индекс усуллари ўрганилган бўлиб, улар орасида хорижлик ва МДХ

<sup>6</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

мамлакатлари олимлари Л.Б.Калмыкова, Р.В . Фаттахов Р. Болчарова, Т.Васс<sup>7</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларини келтириш мумкин. Мазкур тадқиқот ишида муаллиф томонидан минтақалар барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашда хорижий ва маҳаллий тажрибани ҳисобга олган ҳолда “Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш” композит индексини қуйидаги таркиб ва изчилликдаги барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий элементлари бўлиши мақсадга мувофиқлиги асосланди (2-расм).



**2-расм. “Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш” композит индексини иерархик таркиби<sup>8</sup>**

Диссертациянинг **“Инновацион тараққиёт шароитида минтақани барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омиллари таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида, минтақани барқарор ижтимоий-

<sup>7</sup> Калмыкова Л.Б. Оценка устойчивого социально-экономического развития региона с использованием коэффициентов эластичности. // Экономика, №3. 2013. -С. 34-37. Фаттахов Р.В и др. Оценка устойчивости социально- экономического развития регионов России. // Реальный сектор, №2. 2019. -С. 97-110. Bolcárová, P. & Kološta, S. (2015). Assessment of sustainable development in the EU 27 using aggregated SD index. Ecological Indicators, 48, 699–705. <https://doi.org/10.1016/j.ecolind.2014.09.001> Waas, T., Hugé, J., Block, T., Wright, T., Benitez-Capistros, F. & Verbruggen, A. (2014). Sustainability assessment and indicators: Tools in a decision-making strategy for sustainable development. Sustainability, 6 (9), 5512–5534. <https://doi.org/10.3390/su6095512>

<sup>8</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари асосида минтақанинг “барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш” композит индекси ишлаб чиқилган ҳамда мазкур кўрсаткичлар асосида “Кластерли таҳлил (Cluster analysis)” бўйича “Евклид метрикаси” ёрдамида минтақа шаҳар ва туманларини кластерларга (синфларга) ажратиш усули тадқиқ қилинган.

Тадқиқот ишида минтақа шаҳар ва туманлар кесимида “барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш” композит индексини ишлаб чиқишда PCA (principal component analysis) таҳлил усули қўлланилган.

“Асосий компонентли таҳлил (Principal components analysis)” усули кўп ўлчовли статистик таҳлил усуллардан биридир. Мазкур таҳлил усули катта ҳажмдаги ўзгарувчилар тўпламини “асосий компонентлар” деб аталадиган кичикроқ “сунъий” ўзгарувчилар тўпламига ҳақиқий ўзгарувчилардаги дисперсиянинг катта қисмини ҳисобга олиш орқали ифодалашга асосланади.

Юқоридаги статистик таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда минтақани “барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш” композит индексини ҳисоблаш учун куйидаги ижтимоий–иқтисодий кўрсаткичлар танлаб олинди:

**Иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари:**

$IQR_1$  – Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (минг сўм);

$IQR_2$  – Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (минг сўм);

$IQR_3$  – Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси (минг сўм);

$IQR_4$  – Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми (минг сўм);

$IQR_5$  – Аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми (минг сўм);

$IQR_6$  – Инновациялар жорий қилган корхона ва ташкилотлар сони (бирликда);

**Ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари:**

$IJR_1$  – Битта МТТ педагог ҳодимига тўғри келадиган тарбияланувчилар сони (киши);

$IJR_2$  – Битта педагогга тўғри келадиган ўқувчилар сони (киши);

$IJR_3$  – Фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг 10 000 аҳолига тўғри келадиган сони (киши);

$IJR_4$  – Фаолият юритаётган шифохона муассасаларининг 10 000 аҳолига тўғри келадиган койкалари сони (бирликда);

$IJR_5$  – Аҳолининг табиий ўсиши (киши);

$IJR_6$  – Аҳолининг иш билан бандлик даражаси (фоизда);

Хоразм вилояти шаҳар ва туманлари учун мазкур кўрсаткичларнинг турли бирликларда ифодалангани учун уларни стандартлаштириб олинади. Стандарлаштирилган кўрсаткичларнинг ўртача ва стандарт четланиши қийматларига эътибор берсак бир-бирига яқин эканлигини кўриш мумкин.

Бу эса композит индексни ҳисоблашда қайсидир кўрсаткичлар бўйича олдинда ёки қайсидир кўрсаткичлар бўйича эса пастда бўлган шаҳар ва туманлар ўртасида кескин фарқларни келтириб чиқармасдан балки минтақани

барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланиш даражасини объектив баҳолашга хизмат қилади.

Асосий компонентли таҳлил қилишга Хоразм вилояти шаҳар ва туманлари бўйича йиғилган ижтимоий–иқтисодий кўрсаткичларни мувофиқлигини текшириш учун “Барлеттнинг сфериклик тести” (тўпланинг корреляцион матричасидаги ўзгарувчиларнинг боғлиқ эмаслиги ҳақидаги нол гипотезани текшириш учун) ва “Каисер-Меер-Олкиннинг ТМЎ (танланма мувофиқлик ўлчови) индикатори” (ўзгарувчиларни таҳлил учун қанчалик мос келиш ўлчови) қўлланилган.

Барлеттнинг сфериклик тести натижасига кўра аҳамиятлилик даражаси(Sig) 0,00 га тенг ва у 0,05 (ўрнатилган қиймат) дан кичик, яъни ўзгарувчиларнинг боғлиқ эмаслиги ҳақидаги нол гипотеза рад қилинди. Шунингдек, КМО кўрсаткичининг қиймати 0,725 ва у 0,5 дан ортиқ. Бу ҳам танланган кўрсаткичларнинг таҳлил учун етарлича мувофиқ эканлигини ифодалайди. Бундан хулоса шуки, танланган кўрсаткичлар “асосий компонентли таҳлил” қилиш учун мувофиқ.

Кўрсаткичларнинг корреляцион матричаси учун хос сон қийматлари ва уларга мос келувчи асосий компонентлар ўртасидаги боғлиқликка кўра асосий учта компонентдан фойдаланилади. Чунки асосий компонентга мос келувчи хос сон қиймати 1,0 кичик бўлса ушбу компонент ўзгарувчиларни дисперсиясининг жуда кичик қисмини ифодалайди. 1-компонентга мос келувчи хос сон қиймати 6,343 ни, 2-компонентга ва 3-компонентга мос келувчи хос сон қийматлари мос равишда 2,685 ва 1,703 ни ташкил этган. Шунингдек, 1-компонент ўзгарувчиларнинг умумий дисперсиясидаги 52,861% улушини, 2-компонент 22,376%, 3-компонент 14,193% улушини учала компонент жами 89,43%, қолган 9 та компонент эса 10,57% улушни ифодаламақда. Олинган натижаларни янада аниқроқ ифодалаш учун “varimax rotation (ўзгарувчиларнинг умумий дисперсиясидаги улушини максимал даражада оширишга асосланган)” усулини қўллаган ҳолда учта асосий компонентга эга бўламиз (1-жадвал).

1-жадвалга кўра, 1-компонент учун хос сон қиймати 4,991га тенг бўлиб ўзгарувчиларнинг умумий дисперсиясидаги 41,593% улушини ташкил этмоқда. 1-компонент билан юқори корреляцион боғлиқликка эга бўлган иқтисодий кўрсаткичларни кўриш мумкин. Бу эса, 1-компонент орқали минтақани иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисоблаш мумкинлигини изоҳлайди. 2-компонент учун хос сон қиймати 3,509 га, 3-компонент учун 2,231 га тенг бўлиб улар мос равишда ўзгарувчиларнинг умумий дисперсиясидаги 29,243% ва 18,594% улушини ташкил этади. Ушбу компонентлар билан юқори корреляцион боғлиқлик эса ижтимоий кўрсаткичларга тўғри келмоқда ва бу орқали минтақани ижтимоий ривожланиш даражасини ҳисоблаш мумкин.

Асосий компонентли таҳлил натижалари (“varimax rotation” усулини амалга оширган ҳолда)<sup>9</sup>

Кўрсаткичлар	Компонентлар сони		
	1	2	3
$IQR_1$	<b>0,964</b>	0,286	0,077
$IQR_2$	<b>0,941</b>	0,341	0,013
$IQR_3$	<b>0,792</b>	0,453	0,060
$IQR_4$	<b>0,898</b>	0,366	0,128
$IQR_5$	<b>0,754</b>	0,227	0,281
$IQR_6$	<b>0,764</b>	0,345	0,364
$IJR_1$	0,297	<b>0,739</b>	0,311
$IJR_2$	0,252	<b>0,941</b>	0,011
$IJR_3$	0,167	<b>0,88</b>	0,211
$IJR_4$	0,41	0,445	<b>0,817</b>
$IJR_5$	0,163	0,466	<b>0,960</b>
$IJR_6$	0,465	0,422	<b>0,513</b>
Хос сон қиймати	<b>4,991</b>	<b>3,509</b>	<b>2,231</b>
Умумий дисперсиядаги улуши (%)	<b>41,593</b>	<b>29,243</b>	<b>18,594</b>

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда минтақани иқтисодий, ижтимоий субиндекси ва барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш композит индекси қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$$I_{ИҚР} = IQR_1 * \alpha_1 + IQR_2 * \alpha_2 + \dots + IQR_n * \alpha_n \quad (1)$$

бу ерда  $I_{ИҚР}$  – Иқтисодий ривожланиш субиндекси,  $IQR_1, IQR_2, \dots, IQR_n$  – иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари,  $\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_n$  – ўзгарувчилар вазнлари.

$$I_{ИЖР} = IJR_1 * \beta_1 + IJR_2 * \beta_2 + \dots + IJR_n * \beta_n \quad (2)$$

бу ерда  $I_{ИЖР}$  – Ижтимоий ривожланиш субиндекси,  $IJR_1, IJR_2, \dots, IJR_n$  – ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари,  $\beta_1, \beta_2, \dots, \beta_n$  – ўзгарувчилар вазнлари.

$$I_{БИЖ-ИҚР} = (I_{ИҚР})^{\omega_1} * (I_{ИЖР})^{\omega_2} \quad (3)$$

бу ерда  $I_{БИЖ-ИҚР}$  – Барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш композит индекси,  $\omega_1, \omega_2$  – ўзгарувчилар вазнлари.

Мазкур формулалар асосида Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг 2010-2021 йилларда иқтисодий, ижтимоий субиндекси ва барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш композит индекси кўрсаткичлари ҳисобланган (2-жадвал).


<sup>9</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

**Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг 2010 – 2021 йилларда иқтисодий, ижтимоий субиндекси ва барқарор ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш композит индекси кўрсаткичлари (бирликда)**

Шаҳар ва туман номлари	2010			2012			2014			2016			2018			2021		
	$I_{ИҚР}$	$I_{ИЖР}$	$I_{БЙЖ-ИҚР}$															
Урганч ш.	0,908	0,816	0,903	0,917	0,823	0,912	0,928	0,832	0,932	0,936	0,839	0,949	0,945	0,847	0,965	0,952	0,851	0,977
Хива ш.	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	0,253	0,237	0,259	0,262	0,249	0,268
<i>Туманлар:</i>																		
Боғот	0,445	0,613	0,560	0,458	0,621	0,575	0,473	0,645	0,594	0,489	0,665	0,624	0,504	0,683	0,647	0,514	0,695	0,663
Гурлан	0,378	0,200	0,331	0,412	0,217	0,357	0,445	0,239	0,383	0,481	0,256	0,412	0,521	0,279	0,443	0,548	0,298	0,465
Қўшқўпир	0,191	0,497	0,340	0,211	0,512	0,365	0,272	0,549	0,386	0,311	0,583	0,407	0,366	0,616	0,432	0,410	0,638	0,450
Урганч	0,553	0,650	0,632	0,568	0,670	0,654	0,592	0,695	0,679	0,614	0,708	0,695	0,635	0,729	0,717	0,648	0,744	0,733
Ҳазорасп	0,376	0,655	0,528	0,389	0,685	0,538	0,398	0,699	0,554	0,418	0,715	0,569	0,434	0,737	0,583	0,443	0,752	0,593
Хонқа	0,423	0,432	0,467	0,442	0,449	0,479	0,459	0,467	0,489	0,473	0,482	0,497	0,491	0,499	0,508	0,501	0,513	0,513
Хива	0,363	0,660	0,447	0,375	0,673	0,459	0,387	0,686	0,473	0,402	0,697	0,489	0,416	0,710	0,504	0,424	0,721	0,513
Шовот	0,399	0,474	0,476	0,476	0,542	0,483	0,483	0,582	0,518	0,520	0,620	0,544	0,568	0,679	0,569	0,604	0,721	0,587
Янгиариқ	0,431	0,168	0,325	0,458	0,198	0,345	0,469	0,212	0,363	0,482	0,234	0,385	0,500	0,261	0,407	0,513	0,282	0,423
Янгибозор	0,558	0,172	0,361	0,572	0,185	0,395	0,583	0,201	0,416	0,594	0,224	0,442	0,607	0,244	0,473	0,615	0,258	0,495
Тупроққалъа	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	0,900	0,304	0,544

Манба: <https://www.stat.uz> ва <https://www.xorazmstat.uz> – маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Олинган натижалар асосида 2021 йилда вилоят бўйича барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланиш композит индекси ўртача 0,583 бирликни, сўнгги беш йилда индексни ўсиши эса 21,2% ни ташкил этган (3-расм).



Манба: <https://www.stat.uz> ва <https://www.xorazmstat.uz> – маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

### 3-расм<sup>10</sup>. 2017-2021 йилларда Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларининг ўзгариш динамикаси

Шаҳар ва туманлар кесмида сўнгги беш йилда барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланиш композит индексини энг юқори ўсиши Урганч ш. (25,74%), Урганч (24,67%), Ҳазорасп (23,12%) туманларига, энг паст кўрсаткич Қўшқўпир (16,36%), Шовот (16,45%), Боғот (17,18%) туманларига тўғри келган.

<sup>10</sup> Расмдаги шаҳар, туманларнинг номлари қискартириб ёзилган ва уларнинг тўлиқ номлари қуйида келтириб ўтилган:

**BG'** (Боғот), **GR** (Гурлан), **QSH** (Қўшқўпир), **UR** (Урганч), **URsh** (Урганч ш.), **XV** (Хива), **XQ** (Хонқа), **HZ** (Ҳазорасп), **SHV** (Шовот), **YQ** (Янгиарик), **YZ** (Янгибозор)

“Кластерли таҳлил (Cluster analysis)” – Маълум бир тўплам элементларини омиллар бўйича ўхшашликлар асосида кластерлар деб аталадиган гуруҳларга таснифлаш учун ишлатиладиган статистик усул. Бу ўхшашликлар масофа шаклида ўлчанади, масофа қанчалик катта бўлса ўхшашлик шунчалли паст даражада масофа қанчалик кичик бўлса ўхшашлик шунчалик юқори даражада эканлигини ифодалайди. Энг ўхшаш деб топилган элементлар битта кластерга бириктирилади. Ҳар бир кластерда аниқ белгиланган марказлар мавжуд, яъни кластердаги барча нуқталар бўйича ўртача бўлган нуқта. Шунинг учун ҳар бир кластер марказлар билан ифодаланади.

“Кластерли таҳлил (Cluster analysis)” усули қуйидаги босқичлар орқали амалга оширилади:

1.  $i$  ва  $j$  кластерлар орасидаги масофа  $d_{ij}$ ,  $i$  кластердаги элементлар  $n_i$  бўлсин; Қолган барча  $d_{ij}$  тўпламини  $D$  билан белгилаб олинади, кластерда  $N$  та элемент мавжуд;  $d_{ij}$  масофа (“Евклид масофаси”) қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$d_{ij} = \sqrt{\sum_{i=1}^N (x_i - y_i)^2 / N} \quad (4)$$

2.  $D$  тўпламдаги энг кичик  $d_{ij}$  масофа топилади;

3.  $i$  ва  $j$  кластерларни битта янги  $k$  кластерга бирлаштирилади;

4. Қуйидаги формула ёрдамида  $d_{km}$  масофаларнинг янги тўплами ҳисобланади:

$$d_{km} = \alpha_i * d_{im} + \alpha_j * d_{jm} + \beta * d_{ij} + \gamma * |d_{im} - d_{jm}| \quad (5)$$

бу ерда  $m$   $k$  дан фарқ қиладиган ҳар қандай кластерни ифодалайди,  $d_{im}$  ва  $d_{jm}$  янги масофалар  $D$  тўпламда ўрин эгаллайди. Шунингдек,  $n_k = n_i + n_j$ ,

$$\alpha_i = \frac{n_i}{n_k}, \alpha_j = \frac{n_j}{n_k}, \beta = -\alpha_i * \alpha_j$$

5.  $D$  барча элементлардан иборат гуруҳни ўз ичига олгунча 1-3 босқичлар такрорланади.

Юқоридаги формулалар асосида Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг барқарор ижтимоий – иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари асосида бирига яқинлик матрицаси шакллантирилди (3-жадвал). Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак Урганч шаҳрига энг яқин масофада Урганч тумани 0,329 бирлик, энг узоқ масофада эса Хива шаҳри 0,918 бирликда жойлашганини кўриш мумкин. Бу шундан далолат берадики Урганч шаҳри вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларига нисбатан барқарор ижтимоий – иқтисодий ривожланиш бўйича етакчи эканлигини исботлайди.

Хива шаҳрига энг яқин масофада жойлашган Янгиариқ тумани (0,248) бўлган. Шунингдек, Боғот туманига энг узоқда жойлашган Тупроққалъа тумани (0,550) энг яқинда жойлашган Шовот (0,074), Ҳазорасп (0,090), Хива (0,093) туманлари бўлган, бу эса Боғот, Шовот, Ҳазорасп, Хива туманлари битта кластерга мансуб эканлигини билдиради.


Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг барқарор ижтимоий – иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари асосида бир-бирига яқинлик матрицаси (“Евклид масофаси” асосида ҳисобланган)<sup>11</sup>

Шаҳар ва туманларнинг номлари	Урганч ш.	Хива ш.	Боғот	Гурлан	Қўшқўпир	Урганч	Ҳазорасп	Тупроққалъа	Хонқа	Хива	Шовот	Янгиариқ	Янгибозор
Урганч ш.	0,000												
Хива ш.	0,918	0,000											
Боғот	0,469	0,510	0,000										
Гурлан	0,700	0,276	0,401	0,000									
Қўшқўпир	0,609	0,402	0,140	0,368	0,000								
Урганч	0,329	0,623	0,140	0,461	0,280	0,000							
Ҳазорасп	0,523	0,532	0,090	0,466	0,131	0,203	0,000						
Тупроққалъа	0,550	0,643	0,550	0,368	0,609	0,506	0,640	0,000					
Хонқа	0,570	0,353	0,183	0,221	0,163	0,272	0,245	0,454	0,000				
Хива	0,546	0,499	0,093	0,442	0,098	0,222	0,033	0,635	0,223	0,000			
Шовот	0,398	0,556	0,074	0,410	0,211	0,071	0,153	0,506	0,208	0,164	0,000		
Янгиариқ	0,729	0,248	0,418	0,031	0,376	0,485	0,479	0,394	0,236	0,454	0,432	0,000	
Янгибозор	0,688	0,352	0,450	0,089	0,439	0,487	0,524	0,292	0,281	0,504	0,446	0,107	0,000

<sup>11</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

Бундан ташқари Гурлан, Янгиариқ ва Янгибозор туманлари ҳам бири-бирига жуда яқин масофада (мос равишда 0,031 ва 0,089) жойлашган, шунинг учун мазкур туманлар ҳам битта кластерни ташкил этганлигини билдиради. Урганч ва Шовот туманлари (0,071), Қўшқўпир-Хива (0,098), Ҳазорасп-Хива (0,033) туманлари бири-бирига жуда яқин масофада жойлашганини кўриш мумкин.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлар асосида кластерларга ажралиши тасвирланган (4-расм).



**4-расм. Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари асосида дендрограмма тасвири<sup>12</sup>.**

Дендрограмма тасвирига кўра дастлаб Гурлан-Янгиариқ-Янгибозор кластери ҳосил бўлган, сўнгра Ҳазорасп-Хива-Боғот кластери, Урганч-Шовот кластери, Қўшқўпир, Хонқа, Тупроққалъа, Урганч шаҳри, Хива шаҳри каби жами 8 та кластер мавжуд бўлган. Сўнгра ўхшашлик даражалари асосида Ҳазорасп-Хива-Боғот кластери, Урганч-Шовот кластери, Қўшқўпир, Хонқа кластерлари битта янги кластерни ташкил этди. Шу тариқа охириги босқичда Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг бешта кластери ҳосил бўлди ва қуйидагича тартибда жойлаштирилди:

1. Урганч шаҳри;

<sup>12</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

2. Хива шаҳри;
3. Урганч, Боғот, Ҳазорасп, Шовот, Хонқа, Хива, Қўшқўпир;
4. Гурлан, Янгибозор, Янгиарик;
5. Тупроққалъа.

Диссертациянинг “**Инновацион тараққиёт шароитида минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ва истиқболлари**”, деб номланган учинчи бобида минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ ҳажмига узоқ ва қисқа муддатли таъсирини баҳоловчи авторегрессив лагли тақсимот моделлари (ARDL) ишлаб чиқилган, шунингдек, минтақа инновацион тараққиёт даражасини ўзида акс эттирувчи муҳим кўрсаткичлари ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ ҳажми билан ўзаро ижобий таъсирга эга эканлиги аниқланган, ҳамда мазкур кўрсаткичнинг ўрта муддатга мўлжалланган прогноз қийматларини кўп вариантли эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқиш билан боғлиқ илмий изланишлар акс эттирилган.

Минтақани барқарор ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар даражасини аниқлашнинг кўп омилли эконометрик моделни тузишда қуйидаги омиллар танлаб олинди: Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотини (минг.сўм) - *IP per capita*; Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (минг.сўм) - *FCI per capita*; Ишсизлик даражаси (фоизда) - *Unem Rate*; Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ ҳажми. (минг.сўм) - *GRP per capita*;

Ўзгарувчиларнинг ўлчов бирлиги турлича бўлгани ҳамда кўп омилли эконометрик моделнинг интерпретациясини (талқини) яхшироқ тушунтириш учун барча омиллар қийматларини натурал логарифмлаймиз.

Маълумки кўп омилли эконометрик моделларни тузиш учун даставвал мавжуд вақтли қаторлар сериясида (моделда иштирок этаётган омиллар учун) автокорреляция мавжуд ёки мавжуд эмаслиги “Ljung-Box” ( $Q$ ) тести фойдаланган ҳолда аниқлаб олинади. Вақтли қаторларда автокорреляциянинг мавжуд бўлиши мазкур вақтли қаторларни стационарликка текширишни талаб этади.

“Ljung-Box” тестининг  $H_0$  гипотезаси (вақтли қаторда автокорреляция мавжуд эмаслиги), алтернатив гипотезаси яъни  $H_1$  (вақтли қаторда автокорреляция мавжуд эканлиги) асосий гипотезалари сифатида қаралади. Маълумки ушбу тестда  $p < 0.05$  бўлиши  $H_1$  гипотезани,  $p > 0.05$  бўлиши эса  $H_0$  гипотезани қабул қилинишини билдиради<sup>13</sup>.

Омилларни автокорреляция тестига текшириш натижаларига кўра барча ўзгарувчиларда автокорреляция мавжудлигини аниқланди.

Кейинги босқичда ўзгарувчиларни стационарликка текширишда “Кенгайтирилган Дикки – Фуллер бирлик илдиз тести (Augmented Dickey-Fuller

<sup>13</sup> Neusser, K. (2016). Estimation of the Mean and the Autocorrelation Function. In: Time Series Econometrics. Springer Texts in Business and Economics. Springer, Cham. pp. 67-85. [https://doi.org/10.1007/978-3-319-32862-1\\_4](https://doi.org/10.1007/978-3-319-32862-1_4)

Unit Root Test)” текшириш муҳимдир. Ўзгарувчиларни стационарликка текшириш натижалари қуйидаги жадвалда берилган (4-жадвал).

4-жадвал

**Ўзгарувчиларни стационарликка текширишда “Augmented Dickey-Fuller Unit Root Test” натижалари<sup>14</sup>**

Ўзгарувчилар	Тренд ва кесиб ўтувчи билан биргаликда (Trend and intercept)				Интеграция қилиш тартиби (Order of integration)
	Ўз даражасида (Levels)	Эҳтимоллик (Probability)	Биринчи тартибли дифференциация (1 <sup>st</sup> differences)	Эҳтимоллик (Probability)	
<i>Ln(GRP per capita)</i>	-3.553538	0.2383	-2.770858	0.0158	<i>I</i> (1)
<i>Ln(IP per capita)</i>	-5.594944	0.0128	-5.483892	0.1004	<i>I</i> (0)
<i>Ln(FCI per capita)</i>	-2.535179	0.3112	-2.207951	0.0321	<i>I</i> (1)
<i>Ln(Unem Rate)</i>	-4.061493	0.0433	-1.420638	0.1870	<i>I</i> (0)

Юқоридаги жадвалга кўра аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ ҳажми ва аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўзгарувчилари *I*(1) тартибда, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳамда ишсизлик даражаси ўзгарувчилари эса *I*(0) тартибда стационар экан. Шунингдек, моделда иштирок этаётган ўзгарувчиларни “лаг (кечкикиш)” тартибини танлаш зарур ҳисобланади. Бунинг учун векторли авторегрессив (VAR) моделининг оптимал “лаг” тартиби қўлланилади. Авторегрессив лагли тақсимот модели учун “Акаике мезони (AIC)”, “Шварц мезони (SC)” ҳамда “Ханнан – Куинн (HQ)” мезонлари асосида “лаг (кечкикиш)” тартиби 1 ни ташкил этмоқда.

Ўзгарувчилар орасида узоқ ва қисқа муддатли муносабатларни топишдан олдин коинтеграция мавжудлигини тасдиқлаш зарур. Бунинг учун “Боғлиқлик тести (Bound test)” дан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Қуйидаги 5-жадвалда “Боғлиқлик тести (Bound test)” натижалари келтирилган.

5-жадвал

**“Боғлиқлик тести (Bound test)” натижалари<sup>15</sup>**

Статистик тест (Test Statistic)	Қиймат (Value)	Аҳамиятлилик даражаси (Significant)	Қуйи чегара (Lower bound) <i>I</i> (0)	Юқори чегара (Upper bound) <i>I</i> (1)
F-statistic	47.47827	10%	2.37	3.2
		5%	2.79	3.67
		2.5%	3.15	4.08
		1%	3.65	4.66

5-жадвалда маълумотлари асосида F-статистика қиймати барча аҳамиятлилик даражасида қуйи ва юқори чегарадан каттароқ эканлигини кўриш мумкин. Шундай қилиб, коинтеграциянинг муқобил гипотезаси қабул қилинади ва “Боғлиқлик тести (Bound test)” аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ ҳажми, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти, аҳоли жон

<sup>14</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

<sup>15</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳамда ишсизлик даражаси кўрсаткичлари билан узоқ ва қисқа муддатли боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлайди.

#### 6-жадвал

### ARDL (1, 1, 1, 1) модели асосида ҳисобланган параметрларни узоқ муддатли баҳолаш натижалари<sup>16</sup>

Dependent Variable: $\ln(GRP \text{ per capita})$				
Method: ARDL				
